

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ–АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ТУРСУНОВА ЛОБАРХОН НАСИРОВНА

**ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИДА АТЕРОСКЛЕРОТИК ПИЛАКЧА
ТУЗИЛИШИ ВА МИОКАРД ПЕРФУЗИЯСИНИНГ МСКТ
ДИАГНОСТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.19 – Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ –2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Турсунова Лобархон Насировна

Юрак ишемик касаллигида атеросклеротик
пилакча тузилиши ва миокард перфузиясининг
МСКТ диагностикасини такомиллаштириш 3

Турсунова Лобархон Насыровна

Совершенствование МСКТ диагностики
структуры атеросклеротической бляшки
и перфузии миокарда при ишемической болезни сердца 25

Tursunova Lobarkhon Nasirovna

Improvement of MSCT diagnostics of the
structure of atherosclerotic plaque and
myocardial perfusion in coronary heart disease 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 50

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ТУРСУНОВА ЛОБАРХОН НАСИРОВНА

**ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИДА АТЕРОСКЛЕРОТИК ПИЛАКЧА
ТУЗИЛИШИ ВА МИОКАРД ПЕРФУЗИЯСИНИНГ МСКТ
ДИАГНОСТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.19 – Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ –2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2827 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Икрамов Адхам Ильхамович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юсупалиева Гулнора Акмаловна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ходжибекова Юлдуз Маратовна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» ___ _____ соат __14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96.)

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Н. Тилляшайхов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А. Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х. Ходжибеков

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) ўлим сабаби бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллашда давом этмоқда, «... уларнинг 41 фоизи юрак ишемик касалликларига (ЮИК) тўғри келади ва бу йилига 17 миллиондан ортиқ одамни ташкил қилади»¹. Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич ҳар 10 минг аҳолига 323 та ҳолатни ташкил этади. 2020 йилда рўйхатга олинган ўлим ҳолатлари умумий сонининг (175,6 минг) 60 фоизида инсонлар қон айланиш тизими касалликларидан вафот этишган. Шу билан бирга, асосий йўқотишлар меҳнатга лаёқатли - 25-60 ёшдаги одамларга тўғри келади. Бу ЮИК эрта ва скрининг ташҳислаш устувор йўналиш ҳисобланган Ғарбий Европа мамлакатлари, АҚШ ва Японияга нисбатан ўртача 3-3,5 баробар юқори ва шунинг учун ўткир миокард инфаркти (ЎМИ) билан касалхонага ётқизилган беморларнинг 70 % дан ортиғи касалхона шароитида касалликнинг ўткир даврини бошдан кечиришади. Бундай натижаларга ЮИКни ташҳислашнинг замонавий усуллари имкониятлари туфайли эришиш мумкин. Бугунги кунда ноинвазив нур билан ташҳислаш ЮИК бўлган беморларни текшириш стандартида етакчи ўринни эгаллайди. ЮИК хавф омилларини тахмин қилиш ва ўрганишда компьютер-томографияси (КТ) коронар ангиографиясидан фойдаланиш замонавий клиник радиологиянинг энг мураккаб ва долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда ЮИКнинг кўп қиррали патофизиологияси ва хавф омилларини ўрганиш бўйича КТ коронар ангиографиясининг аҳамиятини мақбуллаштиришга қаратилган бир қатор тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, шикастланишнинг янги биологик маркерларининг спецификлиги ва сезувчанлиги, эндотелийнинг яллиғланиши ва миокард ишемияси ўрганилмоқда, юрак-қон томир тизимини визуализация қилиш учун турли усуллар, жумладан нафақат патологик жараён кечишининг оғирлигига, балки коронар оқим трансформацияси даражасига таъсир этувчи атеросклеротик пиллакча тузилиши кўрсаткичларини ўрганувчи КТ коронар ангиографияси ўрта ва юқори хавф гуруҳларида миокард ишемиясини эрта ташҳислаш бўйича илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, ноинвазив тадқиқот усули сифатида КТ-коронарография имкониятларини ошириш ҳисобига ЮИК билан касалланган беморларни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-

¹ Bangalore S, Maron DJ, Reynolds HR, Stone GW, O'Brien SM, Alexander KP, Hochman JS. ISCHEMIA: Establishing the Primary End Point. // Circ Cardiovasc Qual Outcomes. 2018 May;11(5):e004791.

санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, оғир асоратлар ривожланишини олдини олиш, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш мақсадида, жумладан, ЮИК билан оғриган беморларда атеросклеротик пилакча тузилиши ва чап қоринча миокарди перфузияси кўрсаткичларининг ўзгаришларини эрта ташхислаш усулларини такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2022 йил 26 январдаги ПҚ-103-сон «Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199 сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда чап қоринча коронар оқими ва миокарди ҳолатини тасвирга олишнинг замонавий усуллари имкониятларини ўрганадиган кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Коронар артерия ва миокардни ноинвазив баҳолаш усулларида бири бу компьютер томографияси ҳисобланади. Мавжуд адабиётларда атеросклеротик пилакча (АСП) тузилишини ўрганишда КТ-коронарографиянинг имкониятларини баҳолаш бўйича ўтказилган ишлар мавжуд (Веселова Т.Н., 2014; Ел Манаа Х.Э., Шабанова М.С., Гогниева Д.Г., Ломоносова А.А., 2018; Di Cesare E., Di Sibio A., Gennarelli A. et al., 2018). КТ ёрдамида нафақат пилакча турини (кальцийланмаган, қисман кальцийланган ва АСП билан кальцийланган) аниқлаш, балки улар тузилишининг баъзи тафсилотларини, шу жумладан КТ орқали беқарорлик аломатларини аниқлаш имконияти борлиги маълум бўлди (Кондрашина О.С., 2019; Kashiwagi M. et al., 2017). МСКТ ёрдамида қон томир тузилмаларини ўрганишдан ташқари, турли тўқималарнинг, шу жумладан миокарднинг морфологик ва

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

функционал хусусиятларини ҳам баҳолаш мумкин (Омаров Ю.А., 2022; Gaudry M., 2020).

Кўп марказли халқаро тадқиқотларда кенг детекторли компьютер томография ёрдамида КТ-коронарография ва ЧҚ миокардининг перфузияси текширувлари ўтказилган (Cury R.C., 2016; García-Baizán A., 2019). Бир қатор тадқиқотлар КТ-коронарографиясини миокард перфузияси компьютер томографияси билан биргаликда қўллаш юқори ташхислаш аҳамиятига эга эканлигини тасдиқлаган (Минасян А.А., 2021; Huang I.L., 2019). ЯФЭКТ билан солиштирилганда миокард ишемиясини аниқлашда миокард перфузиясини компьютер томография ва КТ-коронарография билан биргаликда ташхислашнинг юқори даражада аниқлигини кўрсатди (Miyagawa M., 2016; Oleksiak A., 2020).

Ўзбекистонда юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда коронар артерияларни ҳолатини компьютер томография усули ёрдамида ўрганиш бўйича бир қатор мутахассислар томонидан тадқиқотлар ўтказилган (Джураева Н.М., 2018; Максудов М.Ф., 2021; Абдухалимова Х.В., 2022), бироқ ЮИК билан беморларда коронар артериялар ва ЧҚ миокарди перфузиясини кенг детекторли компьютер томография ёрдамида баҳолаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган ва ушбу йуналишдаги тадқиқотлар долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўтказилган адабиётлар таҳлилининг далолат беришича, КТ-коронарографияси ва ЧҚ миокарди перфузиясининг компьютер томографияси усуллариининг биргаликда амалга оширилишининг афзаллиги бўлиб стенозлар даражасини ва уларнинг функционал аҳамиятини бир вақтнинг ўзида баҳолаш, яъни ЮИКни ишончли ташхислаш ва инвазив аралашув учун кўрсатмаларни аниқлаш имконияти ҳисобланади. Бироқ, тадқиқотларнинг ижобий натижаларига қарамай, усулнинг бир қатор ташхислашга доир чекловлари ва уни янада такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти “Академик В. Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази” давлат муассасасининг – ПЗ-202010285 (А-СС-2021-209) амалий илмий лойиҳаси доирасида Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш марказида “Коронар артериялар ва миокард перфузиясидаги атеросклеротик ўзгаришларни кенг детекторли МСКТ-ангиографик ўрганишнинг янги протоколларини яратиш орқали ЮИК ва тананинг ортиқча вазнига эга бўлган беморларни ташхислаш технологияси ва даволаш тактикасини ишлаб чиқиш” (2021-2024 гг.) мавзуси бўйича бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: юрак ишемик касаллигида коронар артерияларнинг ҳолатини ва чап қоринча миокардини баҳолашда компьютер томография усулининг ташхислаш самарадорлигини мақбуллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

АСПнинг морфологик тузилишини ўрганишда замонавий МСКТ усулининг имкониятлари ва ташҳислаш аҳамиятини аниқлаш;

МСКТ-коронарографиянинг умумий аниқлиги ва ишончилигини инвазив коронар ангиография (ИКА) маълумотлари билан солиштириш;

микроваскуляр стенокардия билан касалланган беморларда перфузиянинг компьютер томографияси натижаларини баҳолаш;

реваскуляр жарроҳлик аралашувларини ўтказишдан олдин ва кейин чап қоринча миокарди перфузиясининг статик КТ натижаларини таҳлил қилиш;

ЮИКни ташҳислаш ва даволаш босқичларида КА ва ЧҚ миокардидаги морфофункционал ўзгаришларни нур билан ташҳислашнинг дифференциал алгоритмларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида академик В.Вохидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида 2019-2022-йилларда кўриқдан ўтказилган, ЮИК билан касалланган 114 нафар бемор олинди.

Тадқиқотнинг предмети контрастни кучайтирмай ва контраст препаратни томир ичига юбориш билан ўтказилган компьютер томографияси маълумотларидан ва анъанавий инвазив коронар ангиография маълумотларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий ишда клиник, инструментал (МСКТ: коронар кальцинозни аниқлаш учун натив паст дозали КТ, ҳажмли КТ-коронарография ва ЧҚ миокарди перфузиясининг КТ, ЭхоКГ, КАГ) ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

коронар артерияларда атеросклеротик пиллакчани тузилишига кўра компьютер томографияда “рангли кодлаш” вазифасидан фойдаланган ҳолда липид, фиброз ва кальцинатлашган турига қараб хасталикни самарали даволаш тактикасини белгилаш тартиби исботланган;

микроваскуляр стенокардияда “стресс/тинч ҳолат” баҳолаш баённомаси бўйича миокард перфузияси ўтказилганда ҳажмли компьютер томографиянинг қўллаганда юракнинг чап қоринча сегментларни гипоперфузияси аниқлашда юқори информатив усул эканлиги исботланган;

коронар шунтлаш орқали жарроҳлик амалиётини танлашда зарарланган чап қоринчадаги коронар артерияларнинг миокард соҳасида шикастланган сегментларида, перфузия кўрсаткичлари асосида компьютер томографиянинг аҳамияти исботланган;

юракнинг ишемик касаллигининг пре-тест эхтимоли паст бўлган беморларда “тинч ҳолат/стресс” баённомаси бўйича компьютер томографияси асосида миокард перфузияси ўтказилиши беморларнинг нурланиш қийматини камайтириш борасида қўлланилиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

Беморларда САД-RADS таснифи бўйича 0-3 категорияли ЮИК аниқланган тақдирда, кейинги текширувлар талаб қилинмайди, 4-5

категориялар кейинги даволаш тактикасини аниқлаш учун инвазив КАГ ёки функционал тестларни талаб қилади.

Коронар артериялардаги ўзгаришларни бир лаҳзада тасвирга олишни ва АТФ фармакологик пробаси ёрдамида ҳажмий КТ усули билан ЧҚ миокард перфузияси кўрсаткичларини ярим миқдорий баҳолашни ўз ичига олган КАнинг турли хусусиятга эга зарарланишида ЮИКни ташҳислашнинг ноинвазив усули ишлаб чиқилган, бу беморларни прогнозлаш ва уларни даволаш тактикасини белгилаш имконини берган.

ЧҚ миокард ишемиясини текширишда АТФ фармакологик пробаси билан биргаликда юракнинг ҳажмий компьютер томографияси усулининг юқори самарадорлиги ва хавфсизлиги аниқланган ва ушбу усулнинг клиник амалиётга кенг жорий этилиши ЮИК шубҳа қилинган беморларни текширишни янада мақбуллаштирган.

ЮИК билан касалланган беморларда КА ва ЧҚ миокардининг МСКТ текшируви протоколлари мақбуллаштирилди, бу беморларни текшириш вақтини қисқартириш ва тадқиқотнинг ташҳислаш самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий, амалиётда кенг қўлланиладиган клиник ва инструментал тадқиқот усулларидан, шунингдек олинган маълумотларни статистик қайта ишлашнинг тўғри стандарт усулларидан фойдаланганлик билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ЮИК бўлган беморларни ташҳислаш ва даволашни мақбуллаштириш мақсадида олиб борилган ушбу тадқиқот ўз назарий ва амалий аҳамиятига эга бўлиб, коронар атеросклерознинг кечиши ва прогнози хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшишидан иборат. Олинган маълумотларни таҳлил қилиш ЮИК бўлган беморларда АСП тузилишининг хусусиятларини ва ЧҚ миокард перфузиясининг бузилишини аниқлаш имконини беради.

Диссертация ишининг амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат: АСП тузилиши ва миокард перфузияси бузилишларини ўрганишда натив ва контрастли ҳажмий КТнинг аҳамияти ва имкониятлари аниқланган бўлиб, бу касалликнинг оғир кечишини текшириш ва унинг асоратлари сонини камайтириш учун ЮИКни ташҳислаш алгоритмларини мақбуллаштиришга имкон берди. Ишлаб чиқилган алгоритмларга асосланиб, ушбу беморлар учун мақбул даволаш тактикасини танлаш имконияти пайдо бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг мувофиқлаштирувчи-эксперт кенгашининг 2024-йил 30-апрелдаги 4-сонли хулосасига кўра:

1-чи илмий янгилик. *Илмий янгиликнинг моҳияти:* коронар артерияларда атеросклеротик пиллакчани тузилишига кўра компьютер томографияда “рангли кодлаш” вазифасидан фойдаланган ҳолда липид,

фиброз ва кальцинатлашган турига қараб хасталикни самарали даволаш тактикасини белгилаш тартиби исботланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: ҳажмли компьютер томография (КТ) текшируви қўлланилишининг диагностик информативлигини оширадиган замонавий “рангли кодлаш” технологиялари ёрдамида атеросклеротик пиллакча тузилишини комплекс баҳолашга тизимли ёндашув ишлаб чиқилди ва илмий асосланди.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар “Федорович клиникаси” МЧЖнинг 19.01.23 йилдаги 7-сонли ҳамда Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказининг 10.02.2023 йилдаги 16-сонли буйруқлари билан амалий фаолиятига жорий қилинган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги кўйидагилардан иборат: таклиф этилаётган ташхислаш усули юракнинг ишемик касаллиги бўлган беморларни кузатиш натижасида компьютер томографияси кўрсаткичлари асосида самарали ташхислаш сифатини ошириш имконини берган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги кўйидагилардан иборат: ишлаб чиқилган тавсиялар жорий этилиши билан, юракнинг ишемик касаллиги бўлган беморларни мониторинг қилиш натижасида атеросклеротик пиллакча тузилиши ва ўткир коронар ҳодисаларнинг ривожланиш хавфи ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланган. Шу билан бирга, “заиф” АСПни ўз вақтида ташхислаш ва тегишли даволаш чораларини кўриш ўткир коронар ҳодисалар сонини камайтириш имконини беради, бу эса стационар даволаниш харажатларидан (клиник ва лаборатория текширувлари, озиқ-овқат ва кимёвий препаратлар) 1 700 000 сўмни тежаш ва ушбу тоифадаги беморларни реабилитация қилиш имконини беради.

Хулоса: ЮИК билан касалланган беморларни кузатишда АСП тузилишининг компьютер томография кўрсаткичларидан фойдаланиш натижасида пиллакча тузилиши ва ўткир коронар ҳодисаларнинг ривожланиш хавфи ўртасидаги боғлиқлик аниқланган. Бу ҳар бир бемор ҳисобида 1 700 000 сўм бюджет маблағларини тежаш имконини берди.

2-чи илмий янгилик. Илмий янгиликнинг моҳияти: микроваскуляр стенокардияда “стресс/тинч ҳолат” баҳолаш баённомаси бўйича миокард перфузияси ўтказилганда ҳажмли компьютер томографиянинг қўллаганда юракнинг чап қоринча сегментларни гипоперфузияси аниқлашда юқори информатив усул эканлиги исботланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: замонавий компьютер томографияси технологиялари микроваскуляр стенокардия билан касалланган беморларда чап қоринча перфузияси бузилган сегментларини аниқлашда қўлланиладиган информатив кўрсаткичларни белгилайди.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар “Федорович клиникаси” МЧЖнинг 19.01.23 йилдаги 7-сонли ҳамда Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий

реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказининг 10.02.2023 йилдаги 16-сонли буйруқлари билан амалий фаолиятига жорий қилинган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: микроваскуляр стенокардия билан касалланган беморларда чап қоринча миокард перфузиясининг бузилишини аниқлашга асосланган ташхислаш усули тавсия этилиб, бу касалликни эрта ташхислаш ва даволаш тактикасини тўғри танлаш имконини берган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: ушбу касалликка тўғри ташхис қўйиш мақсадида миокард перфузияси КТ ўтказиш ва самарали даволаш тадбирларини ўтказиш натижасида 1 нафар бемор ҳисобида кунига 725 000 сўм бюджет маблағларини, 330 000 сўм бюджетдан ташқари маблағларини тежашга эришилган.

Хулоса: касалликни эрта ташхислаш ва ушбу тоифадаги беморлар учун тўғри даволаш тактикасини танлаш мақсадида микроваскуляр стенокардия билан касалланган беморларга миокард перфузиясини КТ орқали текшириш ҳар бир бемор ҳисобида 725 000 сўм миқдорида бюджет маблағларини ва 330 000 сўм миқдорида бюджетдан ташқари маблағларни тежаш имконини берган.

3-чи илмий янгилик. Илмий янгиликнинг моҳияти: коронар шунтлаш орқали жаррохлик амалиётини танлашда зарарланган чап қоринчадаги коронар артерияларнинг миокард соҳасида шикастланган сегментларида, перфузия кўрсаткичлари асосида компьютер томографиянинг ахамияти исботланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: коронар артерияларни кўп томирли зарарланиши бўлган беморларда чап қоринча миокардининг перфузия кўрсаткичларини компьютер томография ёрдамида жаррохлик амалиётидан олдин ва жаррохлик амалиётидан кейин аниқлаш ўтказилган реваскуляр аралашув самарадорлигини баҳолаш имконини беради.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар “Федорович клиникаси” МЧЖнинг 19.01.23 йилдаги 7-сонли хамда Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказининг 10.02.2023 йилдаги 16-сонли буйруқлари билан амалий фаолиятига жорий қилинган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: ЮИК билан касалланган беморларни даволаш тактикасини танлашга комплекс ёндашилиб, тавсия этилган ташхислаш усулини қўллаш ўтказилган реваскуляр аралашувлар самарадорлигини оширишга имкон берган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: миокард перфузиясини КТ орқали текшириш усули билан реваскуляр аралашувлар самарадорлигини баҳолаш даволаш курси нархини камайтиришга ва беморларнинг 52,6% умр кўриш давомийлигини оширишга, шунингдек, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради, бу 13 000 000 сўмни тежаш имконини беради.

Хулоса: миокард перфузиясини КТ орқали текшириш усули ёрдамида жарроҳлик аралашувлари самарадорлигини баҳолаш 1 нафар бемор ҳисобида 13 000 000 сўми (7 680 000 сўм бюджет маблағлари ва 5 320 000 сўм бюджетдан ташқари маблағлар) тежаш имконини берган.

4-чи илмий янгилик. Илмий янгиликнинг моҳияти: юракнинг ишемик касаллигининг пре-тест эхтимоли паст бўлган беморларда “тинч ҳолат/стресс” баённомаси бўйича компьютер томографияси асосида миокард перфузияси ўтказилиши беморларнинг нурланиш қийматини камайтириш борасида қўлланилиши асосланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: таклиф этилаётган “тинч ҳолат/стресс” протоколинини қўллаш юрак ишемик касаллиги билан боғлиқ асоратларни ривожланишини ва ўлимни камайтиришга ҳисса қўшади, ижтимоий ҳаётни эрта тикланиши, шунингдек, соғайишнинг дастлабки босқичларида ЮИК билан касалланган беморларда яшовчанлик даражасини ошириш билан боғлиқ, бу ишлаб чиқилган алгоритмни соғлиқни сақлаш амалиётига тавсия қилиш имконини беради.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар “Федорович клиникаси” МЧЖнинг 19.01.23 йилдаги 7-сонли ҳамда Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказининг 10.02.2023 йилдаги 16-сонли буйруқлари билан амалий фаолиятига жорий қилинган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: ЮИК бўлган беморларда ўткир коронар ҳодисаларнинг ривожланишини камайтиришга қаратилган “тинч ҳолат/стресс” протоколинини ташҳислашда қўллаш беморларнинг нурланиш дозасини камайтиришга, ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: ўтказилаётган терапия самарадорлигини ошириш ва ЮИК асоратларини олдини олиш мақсадида ЮИКни ташҳислаш ва даволаш босқичларида коронар артериялардаги морфологик ўзгаришлар ва чап қоринча миокардининг ишемик касалликларини ташҳислаш алгоритмида “тинч ҳолат/стресс” протоколидан фойдаланиш ҳисобига ўткир коронар ҳодисалар сонини камайтириш, шунингдек, беморларнинг касалхонада бўлиш вақтини қисқартиришга эришилган, бу 1 920 000 сўм маблағ тежаш имконини берган.

Хулоса: коронар артериялардаги морфологик ўзгаришлар ва чап қоринча миокардининг ишемик бузилишларини ташҳислаш алгоритмининг жорий қилиниши ҳисобига 1 нафар бемор ҳисобида кунига 185 000 сўм бюджет маблағларини тежаш имконияти яратилган.

Л.Н.Турсунованинг ЮИКда коронар артериялардаги морфологик ўзгаришлар ва чап қоринча миокард перфузиясининг бузилишларини ташҳислашда компьютер томографияси усулини қўллаш бўйича диссертация тадқиқотида олинган ва юқорида кўрсатилган 4 та илмий ишланмани амалиётга жорий этиш бўйича РИ терапия ва тиббий реабилитация ИАТМнинг 2023 йил 24 августдаги 14-3/033-сонли хати бошқа соғлиқни

сақлаш муассасаларига тарқатиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган. Илмий янгиликнинг жорий қилиниши натижасида 64 нафар бемор ҳисобига йилига давлат бюджетидан 53 190 000 сўм, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳар бир бемор ҳисобига 17 830 000 сўм маблағни тежаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманда, шу думладан 4 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация компьютерда теришиб, 119 саҳифада баён этилган ва кириш, тўрт боб, якуний қисм, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Илмий иш 20 та жадвал ва 54 та расм билан изоҳланган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 166 та библиографик манбадан иборат бўлиб, улардан 62 нафар муаллиф МДХ мамлакатларидан ва 104 нафари узоқ хориж мамлакатларидан.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ифодаланган, натижаларининг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти келтирилди, иш натижаларининг апробацияси ва эълон қилинганлиги, ҳажми ва диссертациянинг қисқача тузилиши ҳақида маълумотлар тақдим этилди.

Диссертациянинг **“Коронар артериялар ва чап қоринча миокардининг морфофункционал ҳолатини нур билан тасвирга олишнинг замонавий усуллари имкониятлари”** деб номланган биринчи бобида мамлакатимиз ва хорижий илмий адабиётларини таҳлил қилиш асосида коронар артерияларнинг атеросклеротик зарарланишини нур билан ташҳислаш муаммоларининг ҳозирги ҳолати тўғрисида маълумотлар берилди. Таъкидланишича, ЮИКни ташҳислашни такомиллаштириш ва ўлимга олиб келадиган асоратлар ривожланишининг олдини олишга имкон берувчи тадқиқотнинг долзарб йўналиши бўлиб КА стеноз ўзгаришларини ва бундай беморларда миокард перфузиясининг бузилишини тахмин қилиш ва аниқлашда КТни қўллаш алгоритмлари ва параметрларини мақбуллаштириш ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Клиник материал ва тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи ва фойдаланилган тадқиқот усуллари келтирилди. ЮИК ташҳиси қўйилган, ўртача ёши $56,3 \pm 7,8$ ёшни ташкил қилган 37 ёшдан 77 ёшгача бўлган жами

114 нафар бемор (66 нафар эркак (57,9%) ва 48 нафар аёл (42,1%)) текширилди.

Тадқиқот давомида, қўйилган мақсадларга қараб, барча беморлар 3 гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳ (коронар шунтлаш жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморлар) коронар оқимнинг икки ва кўп томирли зарарланиши билан реваскуляр аралашуви режалаштирилган - 41 ёшдан 74 ёшгача бўлган ($M_{cp}=63,9\pm 10,4$ ёш) 43 нафар эркак беморлар (39 (90,7%), 4 (9,3%) аёл беморлар); 2-гуруҳ (микроваскуляр стенокардия билан касалланган беморлар) “Микроваскуляр стенокардия” ташҳиси қўйилиб, инвазив КАГ кўра, коронар артерия хавзаларида коронар қон оқимининг секинлашуви қайд этилган - 37 ёшдан 69 ёшгача бўлган ($M_{cp}=52,3\pm 6,2$ ёш) 26 нафар беморлар (6 (23,1%) эркак ва 20 (76,9%) аёл беморлар); 3-гуруҳ (барқарор зўриқиш стенокардияси бўлган беморлар) - 38 ёшдан 73 ёшгача бўлган 45 нафар эркак беморлар (24 (53,3%) ва 21 нафар (46,7%) аёл беморлар) (ўртача = $61,2\pm 5,7$ йил) барқарор зўриқиш стенокардияси бўлган беморлар, уларнинг ҳажмий КТ-коронарографияси маълумотларига кўра КА турли даражада ифодаланган атеросклеротик зарарланиши аниқланди.


Вена ичини контрастлаш билан такрорий МСКТ 1-гуруҳдаги 17 нафар беморда реваскуляр аралашувдан кейин 4-11-чи кунларда (жарроҳлик амалиётидан кейинги эрта давр) ва 7 нафар беморда жарроҳлик амалиётидан 1-2 ой ўтгач (жарроҳлик амалиётидан кейинги кеч давр) ўтказилди. Олинган натижаларга асосланиб, ўтказилган реваскуляр аралашувларнинг самарадорлигини баҳолашда КТ усулининг маълумот берувчанлиги аниқланди. Коронар артерияларни стенозлаш даражасини баҳолашда усулнинг маълумот берувчанлигини аниқлаш учун анъанавий инвазив КАГ маълумотлари билан ҳажмий КТ-коронарография кўрсаткичларининг қиёсий тадқиқотлари ўтказилди.

Олинган маълумотларга ўртача арифметик (M), ўртача квадратик оғиш (σ), стандарт хато (m), нисбий қийматларни (частота, %) ҳисоблаш билан статистик таҳлилнинг амалий дастурлари тўпламидан фойдаланган ҳолда статистик ишлов берилди. Стастик жиҳатдан муҳим ўзгаришлар сифатида $p < 0,05$ қабул қилинди.

Диссертациянинг “**Шахсий тадқиқотлар натижалари**” деб номланган учинчи бобида КА кальциноз даражасини, модификаторлар билан CAD-RADS шкаласи бўйича коронар оқим ҳолатини, пиллакча элементларининг “рангли кодлаш” функциясидан фойдаланган ҳолда атеросклеротик пиллакча (АСП) тузилишини аниқлаш билан КТ-коронарография маълумотлари бўйича коронар оқимнинг зарарланиш даражасини баҳолаш натижалари тақдим этилди.

Шунингдек, ҳажмий 640-кесимли КТ-коронарография ва анъанавий инвазив КАГ бўйича КА ҳолатининг қиёсий таҳлили ўтказилди. Бундан ташқари, микроваскуляр стенокардия билан касалланган беморларда перфузияни ҳажмий КТ усули билан чап қоринча (ЧҚ) миокардининг ҳолати баҳоланди.

Томирлар бўйича коронар кальциноз кўрсаткичини таҳлил қилганда, ОҚАШнинг кўпроқ шикастланиши қайд этилди, АЎШ ва ЎКА кальцинози камроқ кузатилди, ЧКА стволнинг кальцинози энг кам аниқланди (1-расм). ККИ қийматлари 100 дан юқори бўлганда, асосан икки ва уч томирли зарарланишлар кузатилди. Жинсга кўра, коронар кальциноз индекси аёлларга нисбатан эркакларда статистик жиҳатдан сезиларли даражада ($p < 0,05$) юқори эди (2-расм). Calcium Score бўйича баҳоланганда, эркакларда Агатстон бўйича ККИ нинг максимал қиймати 1083, аёлларда - 421 иборат бўлди.



1-расм. Асосий КА бўйича коронар кальциноз кўрсаткичлари



2-расм. Жинсга қараб КА кальцинозининг яққол намоён бўлиши.

МСКТ-коронарография ва КАГ натижаларининг мос келиши 746 (94,1%) сегментда, шу жумладан стенозлар ангиографик жиҳатдан тасдиқланган 301 та сегментдан 267 тасида ва 492 та бузилмаган (интакт) сегментдан 479 тасида қайд этилди. МСКТ ва КАГ маълумотларига кўра номувофикликлар 47 та (5,9%) сегментда қайд этилди: 18 (2,3%) сегментда стенозлар ташхисланмаган (КАГ маълумотларига кўра мавжуд бўлсада); 29 та (3,6%) сегментда стенозлар аниқланди (КАГ маълумотларига кўра улар йўқ бўлсада). МСКТ-коронарография маълумотларига кўра стеноз даражаси 23 та (2,9%) ҳолатда пасайтирилган, 34 та (4,3%) сегментда кўтарилган. КАнинг стеноз зарарланиш даражасига қараб КТ-коронарография ва КАГ орқали олинган маълумотларни таққослаш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

КТ-коронарография ва анъанавий инвазив коронарографиядан олинган маълумотларнинг қиёсий таҳлили

Стеноз зарарланиш даражаси	МСКТ-коронарография N (%)	Инвазив КАГ N (%)	r	P
Стеноз йўқ ёки кам	517 (65,2 %)	519 (65,4 %)	0,646	0,886
Бошланғич ёки ўртача стеноз	187 (23,6 %)	178 (22,4 %)		
Яққол ифодаланган стеноз (70-99 %)	58 (7,3 %)	64 (8,1%)		
КА бекилиб қолган	31 (3,9 %)	32 (4,1 %)		
Жами	793 (100 %)	793 (100 %)		

Шу билан бирга, инвазив КАГ ОҚАШ ва ЎКА стенозларини аниқлашда (100%) КТ-коронарографияга нисбатан энг сезгир бўлиб чикди, бунда юқорида кўрсатилган КА стеноз ўзгаришларини аниқлашда сезгирлик ва ўзига хослик мос равишда 92,5 % ва 93,2 % ни ташкил этди. ЎКА стволининг атеросклеротик зарарланишини аниқлашда ушбу икки усулнинг сезгирлиги ва ўзига хослигининг тенг нисбати топилди: мос равишда 95,3 % ва 96,2 %. АЎШдаги стеноз ўзгаришларни аниқлашда инвазив КАГ сезгирлиги ва ўзига хослиги мос равишда 89,1 % ва 78,6 % ни, КТ-коронарографида эса сезгирлик ва ўзига хослик мос равишда 79,3 % ва 73,6 % ни ташкил этди.


КА стеноз ўзгаришларини аниқлашда тадқиқот натижаларининг ижобий прогностик қиймати (ИПҚ) ва салбий прогностик қиймати (СПҚ) 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал.

КТ-коронарография ва анъанавий инвазив коронарография натижаларининг ижобий ва салбий прогностик қийматининг кўрсаткичлари.

Коронар артериялар	МСКТ-коронарография		Инвазив КАГ	
	ИПҚ (%)	СПҚ (%)	ИПҚ (%)	СПҚ (%)
ЧКА стволи	73,2	79,4	82,9	85,1
ОҚАШ	86,4	63,9	89,2	81,7
АЎШ	79,6	73,1	81,2	77,7
ЎКА	88,3	78,5	97,4	79,3

Эслатма: ИПҚ – ижобий прогностик қиймат; СПҚ - салбий прогностики қиймат.



3-расм. 57 ёшли бемор М.нинг КТ-коронарографияси ва инвазив КАГ. Юмшоқ тўқимали АСП ҳисобига ОҚАШ ўрта сегментининг яққол ифодаланган стенози. А – КТ-коронарограмма – кўп юзали реконструкция, стрелка билан стеноз кўрсатилган; Б - КАГ - ўнг қия каудал проекция, стрелка билан стеноз кўрсатилган.

АСП тузилмавий таркибини баҳолаш 88 нафар беморда ўтказилди (1-гуруҳдаги коронар шунтлаш ўтказилган 43 нафар бемор ва 2-гуруҳдаги барқарор ЮИК бўлган 45 нафар бемор). КАнинг 183 та сегментида аниқланган 206 та атеросклеротик пилакча таҳлил қилинди. Барча аниқланган АСП 3 гуруҳга бўлинган: юмшоқ, аралаш ва кальцийланган.


39 та (73,6 %) ҳолатда ЮТАП КА бўшлиғида 50 % дан камроқ стенозни ва 14 та ҳолатда (26,4%) – 50 % дан ортиқ стенозни келтириб чиқарган. Кальцийланган пилакча асосан коронар артериялардаги стеноз 50 % дан юқори бўлган жойларда (57 ҳолатда (79,2 %)) кузатилди. Аралаш АСП 50 % дан кам (38 ҳолатда (46,9%)) ва 50 % дан ортиқ (43 ҳолатда (53,1%)) бўлганда ҳам стенозларнинг тахминан тенг нисбатда ривожланишига олиб келди.

Пилакча хусусиятига қараб АСПда липидли, толали ва кальцийланган таркибий қисмларнинг мавжудлиги

Кўрсаткичлар		АКШ миокард перфузияси		Барқарор ЮИК		p
		М	m	М	m	
КАСП	липид.комп. (ҳажми %)	3,95	0,43	4,49	1,48	p>0,05
	липид.комп. (НУнинг ўртача зичлиги)	12,24	0,99	10,05	0,53	
	толали. комп. (ҳажми %)	15,18	1,29	9,46	1,56	
	толали. комп. (НУнинг ўртача зичлиги)	102,39	1,64	104,32	1,34	
	кальцинатлар (ҳажми %)	80,87	1,45	86,09	2,96	
	кальцинатлар (НУнинг ўртача зичлиги)	353,92	9,97	361,86	16,63	
МАТВ	липид.комп. (ҳажми %)	42,45	3,12	39,24	1,82	p>0,05
	липид.комп. (НУнинг ўртача зичлиги)	5,55	0,82	5,92	0,43	
	толали. комп. (ҳажми %)	57,55	3,12	60,76	1,82	
	толали. комп. (НУнинг ўртача зичлиги)	98,09	4,39	90,00	1,33	
Аралаш АСП	липид.комп. (ҳажми %)	20,13	1,00	25,00	0,97	p>0,05
	липид.комп. (НУнинг ўртача зичлиги)	9,84	0,54	6,95	0,32	
	толали. комп. (ҳажми %)	36,04	0,87	34,72	1,11	
	толали. комп. (НУнинг ўртача зичлиги)	98,59	1,35	93,28	0,85	
	кальцинатлар (ҳажми %)	44,47	1,26	41,01	1,27	
	кальцинатлар (НУнинг ўртача зичлиги)	229,27	8,98	212,05	3,43	

НУ даги пилакчанинг рентген зичлигини миқдорий баҳолаш ўтказилди. Мазкур ҳолатда, юмшоқ пилакчаларнинг ўртача зичлиги 42 ± 19 НУ ташкил қилди (18 дан 64 НУ гача); гетероген (аралаш) пилакчаларники - 92 ± 26 НУ (38 дан 145 НУ гача), кальцийланган пилакчаларники - 397 ± 109 НУ (174 дан 1479 НУ гача). 12 (29,4%) ҳолатда ЮТАП таркибида нуқтали кальцинатлар (<3 мм) аниқланган.

“Рангли кодлаш” функциясидан фойдаланган ҳолда спектрал таҳлилда (4-расм) пилакча хусусиятига қараб унинг таркибий қисмлари (липидли, толали, кальцийланган) 3-жадвалда тақдим этилган.



4-расм. Ўнг коронар артерия бўшлиғида аралаш АСП кўринади (стрелка). Унинг таркибини кўндаланг кесимда (А), таркибдаги миқдорини юза ва фоиз (Б) бўйича аниқлаш билан спектрал таҳлил қилиш, шунингдек, пилакчанинг бор бўйи (В, Г) ҳажми бўйича миқдорий хусусиятларини аниқлаш. Артериянинг ўтказувчан бўшлиғи яшил рангда, липид компоненти қизил рангда, толали компонент кўк рангда, кальций депозитлари сариқ рангда кўрсатилган.

Бизнинг тадқиқотимизда ЮТАП кўпроқ ЎКА ва АЎШда аниқланган, кальцийланган АСП мавжудлиги асосан ОҚАШда қайд этилган. Пилакчаларнинг тузилишига қараб томирлар ўртасида тақсимланиши 4-жадвалда келтирилган.

Зарарланиш кўп томирли хусусиятга эга бўлганда кальцийланган атеросклеротик пилакчалар ишончли тарзда кўпроқ аниқланди ($p = 0,036$), бир ва икки томирли зарарланишда асосан юмшоқ тўқимали ва аралаш АСП аниқланди ($p = 0,031$).

Биз олган натижаларга кўра, юмшоқ тўқимали АСП нинг рентген зичлиги статистик жиҳатдан кальцийланган пилакчаларнинг ўртача зичлигидан сезиларли даражада ($p = 0,0018$) паст эди.

4-жадвал.

Асосий коронар артериялардаги тузилишига қараб атеросклеротик пилакчаларнинг тақсимланиши

АСП нинг томирлар бўйича тузилиши	АКШ миёкард перфузияси			Баркарор ЮИК			Жами			χ^2 p
	абс	М(%)	n	абс	М(%)	m	абс	М(%)	m	
ЧКА стволи										
ЮТАП	1	2,33	2,30	7	15,56	5,40	8	9,09	3,06	$\chi^2=5,063$ $p=0,080$
Аралаш	8	18,60	5,93	8	17,78	5,70	16	18,18	4,11	
КАСП	0	0,00	0,00	3	6,67	3,72	3	3,41	1,93	
ОҚАШ										
ЮТАП	0	0,00	0,00	5	11,11	4,68	5	5,68	2,47	$\chi^2=21,753$ $p=0,001$
Аралаш	10	23,26	6,44	16	35,56	7,14	26	29,55	4,86	
КАСП	24	55,81	7,57	5	11,11	4,68	29	32,95	5,01	
КАСП, ЮТАП	1	2,33	2,30	0	0,00	0,00	1	1,14	1,13	
КАСП, аралаш	6	13,95	5,28	12	26,67	6,59	18	20,45	4,30	
ЮТАП, аралаш	2	4,65	3,21	2	4,44	3,07	4	4,55	2,22	
АЎА										
ЮТАП	5	11,63	4,89	5	11,11	4,68	10	11,36	3,38	$\chi^2=5,134$ $p=0,162$
Аралаш	18	41,86	7,52	17	37,78	7,23	35	39,77	5,22	
КАСП	14	32,56	7,15	3	6,67	3,72	17	19,32	4,21	
КАСП, ЮТАП	0	0,00	0,00	0	0,00	0,00	0	0,00	0,00	
КАСП, аралаш	2	4,65	3,21	2	4,44	3,07	4	4,55	2,22	
ЮТАП, аралаш	0	0,00	0,00	0	0,00	0,00	0	0,00	0,00	
ЎКА										
ЮТАП	1	2,33	2,30	7	15,56	5,40	8	9,09	3,06	$\chi^2=14,596$ $p=0,006$
Аралаш	20	46,51	7,61	12	26,67	6,59	32	36,36	5,13	
КАСП	15	34,88	7,27	7	15,56	5,40	22	25,00	4,62	
КАСП, ЮТАП	0	0,00	0,00	0	0,00	0,00	0	0,00	0,00	
КАСП, аралаш	0	0,00	0,00	4	8,89	4,24	4	4,55	2,22	
ЮТАП, аралаш	2	4,65	3,21	5	11,11	4,68	7	7,95	2,88	

Эслатма: ЧКА - чап коронар артерия, ОҚАШ - олд қоринчалараро шохча, АЎА - айлиниб ўтувчи артерия, ЎКА - ўнг коронар артерия; ЮТАП - юмшоқ тўқимали атеросклеротик пилакча; КАСП - кальцийланган атеросклеротик пилакча

Кальцийланган пилакчалардаги АСПнинг тузилмавий таркибини спектрал таҳлил қилганда, липид компонентининг миқдори кальцийланган АСПга нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли даражада пастлиги ($p=0,034$) маълум бўлди. 1 ва 3 тадқиқот гуруҳлари беморлари ўртасида юмшоқ ва кальцийланган пилакчаларда липид ва кальцийланган компонентлар миқдоридagi фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятсизлиги маълум бўлди ($p>0,05$).

